



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Сизга илм ва адаб ўргатган, ибрати ила эзгу йўлга бошлаган устозингизни байрам билан табриклашни унутманг

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 29-sentyabr, seshanba, 109 (23.389)-son



Эркинжон ТУРДИМОВ:

ЕЧИМСИЗ МУАММО ЙЎҚ

Вилоят ҳокимининг навбатдаги сайёр қабули 26 сентябрь куни Каттакўрғон шаҳрида ўтказилди.

Қабулда вилоятнинг тўрт сектори раҳбарлари – вилоят ҳокими, прокурор, ИИБ ва ДСБ бошлиғи ҳамда Каттакўрғон шаҳар ҳокими Г.Алимова, Каттакўрғон тумани ҳокими А.Баҳромов, вилоят мутасадди идоралари масъулари қатнашди.

Қайд этиш лозимки, Каттакўрғон шаҳридаги истироҳат боғида ташкил этилган сайёр қабулда нафақат Каттакўрғон шаҳри ҳамда тумани аҳолиси, балки Иштихон, Пахтачи, Паст Дарғом туманларидан ҳам фуқаролар қатнашди.

Сайёр қабул жараёнини кузатарканмиз, эзгу ташаббус илминда режаларига тўсиқларни енгиб ўтиш учун умид билан келганлар камчилиги ташкил қиларди. Аксарият ҳолларда турмушдан нолиган, моддий ёрдам умидида бўлганлар сектор раҳбарлари ва вилоят ҳокимига мурожаат қилди.

Ҳамма эшитиб олсин, - деди вилоят ҳокими шундай мурожаатчиларнинг бирини тингларкан. - Қайсики, кекса отахон ёки онахонни фарзандлари боқишга, уларга қарашга қийнаётган бўлса биз уларга давлат гамхўрлигини таъминлаймиз. Аслида ўзбекистон эр йигити учун отаси ёки онаси кексайганда уларнинг дуосини олиш ўрнига турли идораларга ёрдам сўраш учун кўчага чиқариши уят. Бошқа нарса эмас. Негаки, бугун ишлайман, ҳаракат қиламан,

деган одам рўзгорини гуллашиб қўйиши учун барча имконият ва шароит яратилган.

Бу гап сайёр қабулда ўтирганларнинг аксарияти учун огоҳлик кўнғироғи бўлишини кутгандик. Бироқ таассуфки, бундай бўлмади. Йўқ, бу ўринда мурожаатчиларни ёмонотлиқ қилиш фикридан йироқмиз. Аммо бир қабулда 15-20 нафарга яқин одам уй-жой, яна шунча киши вилоят ҳокимининг қабулига моддий ёрдам сўраб келиши ноўрин, бизнингча.

Бироқ сайёр қабул шуниси билан аҳамиятлики, қайсидир масалада одамларда муаммолар тўпланиб қолганлиги, қайсидир соҳада ишларни янгинача ёндашув асосида ташкил қилиш кераклиги кўриниб қолади.

Мисол учун, Каттакўрғон шаҳрининг 95 фоизи табиий газ билан таъминланган. Бор-йўғи 2 мингга яқин хонадон суюлтирилган газ билан таъминланади. Сайёр қабул давомида ана шундай фуқаролар совуқ кунлар бошланмасдан табиий газ таъминотини йўлга қўйиш бўйича мурожаат қилди. Мурожаатни кўриб чиқиш, унда кўтарилган масалани ҳал этиш бўйича "Худудгаз" Самарқанд филиали раҳбарларига аниқ мuddат белгилаб берилди.

Умуман, вилоят ҳокими қабулга келган ҳар бир мурожаатчининг мuddаосини тинглаб, имкон қадар ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. Айрим ҳолларда жойлардаги масъулиятсиз, ўз ишига нисбатан, шу жумладан, фуқаролар мурожаатларига бефарқ раҳбарларга кескин интизомий чоралар кўриш бўйича таклифларини билдирди.

Э.Турдимовнинг 28 сентябрь куни Ургут туманида бўлиб ўтган навбатдаги сайёр қабулида 300 га яқин мурожаат қайд қилинди. Мурожаатларнинг аксарияти газ, электр таъминоти, йўл, ичимлик суви ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлди.

Вилоят ҳокими ҳар бир муаммони ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ҳал этилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ, - деди Э.Турдимов. - Агар имконияти йўқ ёки қонунга зид мурожаат бўлса, бунга шахсан ўзим рад жавоб бераман.

Дарҳақиқат, мурожаатларда кўтарилган аксарият масалалар катта маблағ ва меҳнат талаб қилмайди. Мисол учун, Ургут тумани аҳолисининг 15 фоизи табиий газ билан таъминланган. Аксарият хонадонлар суюлтирилган газ баллон олади. Маълумотларга кўра, бунинг учун ургутликларга 14 та "ISUZU" русумли автомашина хизмат қилмоқда.

Тизим билан боғлиқ 8 та мурожаат бўлди, - деди "Худудгаз" Самарқанд филиали бошлиғининг биринчи ўринбосари Олим Исақулов. - Шундан 1 таси табиий газ босимининг пастлиги бўйича. Суюлтирилган газ масаласидаги мурожаатларнинг ҳам ечими бор.

Қайд этилишича, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни вилоят ҳокимлигидан сайёр қабулларда тушган мурожаатлар ижроси муҳокама қилиб борилади.

Ғурурланишга ҳақлимиз



Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар бугун нафақат Марказий Осиё балки бутун жаҳон экспертлари томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Негаки, Президентимизнинг ҳар бир таклифи ёки ғояси долзарб, шу билан бирга давлатимиз тажрибасидан ўтганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Мисол учун, давлатимиз раҳбари давлатлар ва халқлар ўртасида мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлиги, бундай ҳамкорликдан мақсад – ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш эканлигини таъкидлади. Бу борада, юртимизда пандемия шароити-

да ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилганлигига, аҳолига, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилганлигига, шу мақсадда махсус жамғармалар тузилганлигига тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, 2020 йилнинг 15 мартидан бугунгача табиий ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг ривожланган давлат учун ҳам андаза бўлмоқда.

ларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор қарор ва фармонлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Қисқа мuddатда юртимизнинг турли ҳудудларида бир неча карантин шифохоналарининг қурилиши, уларнинг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланиши, тадбиркорлар учун турли имтиёзлар берилиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ривожланган давлат учун ҳам андаза бўлмоқда.

Ҳайдар ҲОҚОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи халқимизнинг неча асрлик маданияти, бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бири эканлигини яна бир бор исботлади.

Яна бир ғурурлантирадиган томони шундаки, давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўндан ортиқ глобал муаммолар ҳақида тўхталиб, уларнинг ечимини ҳам айтиб ўтди. Айниқса, пандемия шароитида кескин тус олиб бораётган қашшоқлик бутун дунё ҳамжамиятини, барчани бирдек ташвишга солиши лозимлигини таъкидлаб, уни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклифини илгари сурди. Уша тарихий кун – 23 сентябрда маърузани йўлда

тинглашга тўғри келди. Машинада кетар эканмиз, ҳамма давлатимиз раҳбарининг нутқини диққат билан тинглаётгани эътиборимни тортди. Биргина шу ҳолат юртдошларимиз Президентимизнинг ҳеч бир чизишига бефарқ эмаслигининг яққол исботи эди.

БМТ минбари орқали илк маротаба ўзбек тилида янграган тарихий нутқи, долзарб, асосли таклиф ва фикр-мулоҳазалар ҳеч шубҳасиз, давлатимизни янги марралар сари бошлайди.

Муҳиба БОБОБЕКОВА,
"Адолат" социал-демократик партияси вилоят Кенгаши раиси.

Нарпайда...

Эроннинг «Cedrus Agro cluster Co. LTD» компанияси боғдорчилик, иссиқхоналар қуриш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Туман ҳокими ва компания раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда бу борадаги режалар ва лойиҳанинг истиқболи белгилаб олинди.

Ёшлар истироҳат боғида туман ҳокимлиги ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди. Ярмаркада 96 та корхона ва ташкилотдан 3387 та бўш иш ўринлари таклиф этди. Шунингдек, хорижда ишловчиларга Қозғоғистон ва Россияда 340 нафар иш ўрни мавжудлиги ҳақидаги ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг таклифлари ҳам берилди.

Иzzатилла НОРҚУВВАТОВ.

Бир мавзуда икки фикр

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ ЭСКИ МУАММО

Талаба: Бизда интернет тармоғи яхши ишлайди. Онлайн дарсларга қатнаша олишим учун WF тармоғидан фойдалансам бўладими?

Сотувчи: Агар ҳудудингизда алоқа кабеллари ўрнатилмаган бўлса, бу фойдасиз.

Талаба: Унда бирор ечим кўрсата оласизми?

Сотувчи: Кўчиб кетинглар (ҳазил оҳангида).

Талаба: Афсуски, бунинг иложи йўқ. Барибир, кўшни қишлоқда ҳам алоқа яхши эмас.

Юқоридаги суҳбат ҳазилдай туюлса-да, аслида бўлган воқеа. XXI аср техника асри деймиз-у, афсуски бизда коммуникациялар билан боғлиқ муаммолар кўп учраб турибди. Айниқса, карантин даврида бу соҳадаги муаммолар сув қалқиса, лойқаси юзага чиққандай, ҳаммани қийнаб қўйди.

Коронавирус пандемияси даврида олий таълим муассасаларида дарслар масофавий тарзда олиб борилди ва янги ўқув йили ҳам онлайн дарслар билан бошланди. Онлайн таълим тизимига ўтилгандан кейин талабаларни бир неча муаммолар қийнаб бошлади. Шулардан бири талаба яшайдиган ҳудудда алоқа яхши эмаслиги. Бу, албатта, сифатли таълимга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети халқаро журналистика йўналиши учинчи босқич талабасиман. Карантин чоралари туфайли жорий йилнинг 16 мартда доимий яшаш жойим - Жомбой тумани Кўнғирот маҳалласи Митан қишлоғига қайтдим. Дарсларимиз масофавий тарзда давом эттирилмайдиган бўлди. Лекин яшаб турган ҳудудимда алоқа яхши бўлмаганлиги боис мен онлайн дарсларга қатнаша олмадим. Назот



излаб қишлоғимиз фаолларидан бу вазият ҳақида сўрадим. Қўшни қишлоқларимизга алоқа кабеллари ўрнатилмаётганини ва бизнинг қишлоққа ҳам навбат келиб қолишини айтишди. Бу менга таскин берди. Аммо ўқув йили онлайн шаклда яқунланиб, янги ўқув йили ҳам бошланганига уч ҳафта бўлапти ҳамки бизнинг қишлоқда алоқа яхшиланимади.

Шунда мутасаддиларга мурожаат қилишга қарор қилдим. Жомбой туман ҳокимлигидан Жомбой туман телекоммуникациялар боғланмасига мурожаат қилишимни айтишди. Ташкилот раҳбари телекоммуникациялар ва алоқалар виллоят бошқармасидан сўрашимни маслаҳат берди. Ечим ёки вазият ҳақида тушунарли жавоб айтилмагандан кейин Жомбой туман ҳокимлиги ва Жомбой туман телекоммуникациялар боғланмасига мазкур муаммо юзасидан ёзма равишда мурожаат қилдим. Яқин кунларда мутасаддилар мурожаатимни инобатга олиб ечим топиб беради, деган умидим бор. Ишқилиб, умидим сўнмасин-да...

Дилфуза ОСТОНОВА.

Фарзандларимиз телевидение орқали намойиш этилаётган теледарсларни кузатиб борапти. Аммо маҳалламизда интернет йўқлиги боис теледарсларда берилган топшириқларни ўқитувчиларига етказишда қийналяпти. Фарзандларимизнинг теледарсларни тинглаётгани, машғулларда иштирок этаётгани, уйга вазифаларни бажаргани тўғрисидаги ахборотларни ўқитувчисига етказиб бўлмапти.

Ўтган ўқув йилининг тўртинчи чорagini ҳам интернетсиз ўтказдик. Худудимиздаги интернет алоқасини яхшилаб бериш талаби билан вилоят ҳокими, халқ қабулхонасига бир-неча бор мурожаат қилдик. Мурожаатимизга "Ўзтелеком" компаниясидан 2021 йил иккинчи чорагида алоқа тизимини яхшилаб бериш ваъда қилинган жавоб хати олдик.

Унганча жорий ўқув йили ҳам яқунланади. Болаларимиз онлайн – масофавий таълимдан бебаҳра қоладими?

Самарқанд тумани Равонак маҳалласи Осиё кўчасида яшовчи фуқаролар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикаси муносабатларидаги кескинликнинг ошиши Ўзбекистон Республикасида жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ўзаро қарама-қаршилик чоғида ҳарбий кучнинг ишлатилиши икки томондан ҳам қўллаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилаётган давлат сифатида МДҲ ҳудудида дўстлик, яхши кўшничлик муносабатла-

ри ва ўзаро ишончни мустақамлаш, баҳсли масалаларни халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий мос равишда тинч йўл билан ҳал қилинишининг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикасини ҳарбий ҳаракатларни тезда тўхтатишга ҳамда можарони суверенитет ва ҳудудий яхлитлик тамойилларига риоя қилган ҳолда тинч йўл билан бартараф этиш мақсадида дипломатик музокараларни бошлашга қақирамиз.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Паст Дарғом тумани Бўстон ҳамда Пўлатчи маҳаллаларидаги ўндан зиёд хонадон табиий газ ва электр энергиясидан қарздор бўлгани сабабли ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИЛДИ.

ОБ-ҲАВО



29 сентябрь куни вилоятимизда ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларда ёғир ёғади. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 8-13 даража, кундузи 15-20 даража илқ бўлади. 30 сентябрда айрим жойларда ёғир ёғади. Ҳарорат кечаси 8-13 даража, кундузи 15-20 даража илқ атрофида.

КУН МАВЗУСИ

САМАРҚАНДНИНГ МИКРОХУДУДЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги билан танишиш мақсадида бу гал Самарқанд шаҳридаги А. Б. В микроҳудудлар (микрорайон)да бўлди.

Жумладан, "В" микроҳудуддаги Мирзо Бедил маҳалласида "Саховатли кишилар" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 65- ва 67-уйларнинг ҳолати билан танишганимизда уларнинг фасади таъмирталаб эканлигини кўрдик. Уйлар олдида ўриндиқлар ўрнатилмаган, борлари ҳам синган, болалар майдончаси қурилиши якунига етказилмаган. 10 йилдирки, бошқа уйлар каби иситиш тизими ва иссиқ сув билан таъминланмаган.



Бу уйлар қарийб эллик йил олдин қурилган, таъмирланганига эса уч-тўрт йил бўлди, - дейди "Саховатли кишилар" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Шерзод Мирзаев. - Ширкатимиз 11 та тўрт қаватли уйга хизмат кўрсатади. Барча уйлар таъмирталаб. Бу ҳақдаги мурожаатларимизга мутасаддилар ҳар гал дастурга тушади, кредит ажратилади деб жавоб беришади-ю натижа йўқ. Ҳозирда 2018 йилда 65- ва 67-уйларнинг Буюк ипак йўли кўчаси томонини таъмирладик, лекин бошқасига имкониятимиз етмайди.

Шаҳримиздаги чиройли таъмирланган уйларни, болалар майдончасини кўриб ҳавасимиз келади, - дейди 65-уйда яшовчи М.Исмоилова. - Наҳотки, биз яшаётган уйларни таъмирлаш ҳақида ҳеч ким ўйламаса. Аслида ширкат бу каби муаммоларни ҳал қилиши керак эмасми?

Худуддаги "Амиршоҳ Мир Ализода" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига ҳам Шерзод Мирзаев раҳбарлик қилар экан.

Ширкатимизга қарашли 69- ва 73-уйлар вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 2019 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилди, - дейди Ш.Мирзаев. - Аммо 99-уйнинг таъмири чала қолди, 105-уйни таъмирлаш ишлари эса бошланмади ҳам.

II БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Биз "А" ва "Б" микроҳудудларда бўлганимизда юқоридаги ҳолатларнинг аксини кўрдик. Уйлар сифатли таъмирланган, болалар майдончаси замонавий кўринишда.

Уйлар 2018 йилда "Ободонлаштириш ва Буюк ипак йўли тутиши юзасидан газетамиз орқали мутахассислар фикрларини бериб бораемиз. Бу сафар юқоридаги каби саволлар яна кўпайгани сабаб вилоят санитария-эпидемиолог осойишталик маркази раҳбари Адҳам БАҲРОМОВга мурожаат қилдик.

Кўз фасли бошланиши билан вируснинг авж олгани сезилди. Бу вазиятда марказ ходимлари тестларни ўз вақтида текшириб бериши учун шароит етарлими?

Кўз-қиш мавсумида кўплаб инфекция, вирусли хасталиклар авж олади, жумладан коронавирус ҳам. Бу ҳақда мутахассислар олдиндан огоҳлантириб, аҳолини эҳтиёткор бўлишга чақириб келмоқда. Хусусан, зотилжам хасталиги ҳам айнан куз ойларида кўпайдиган хасталик. Қолаверса, зотилжамнинг ҳам ўнлаб турлари мавжуд. Тест масаласига келсак, албатта, эпидемиологик ва тиббий кўрсаткиш бор аҳолидан ўз вақтида тест олиш ва натижаларини аниқлаш учун барча шароитларга эгамиз.

Кейинги пайтларда коронавирнинг бошқа белгилари пайдо бўлаётгани тест натижаларига таъсир ўтказяптими?

Демак, вирус нафақат ўпка, балки организмнинг бошқа аъ-

га алмаштирилган, агар иссиқлик етказиб берилса, тизим ишлашга тайёр ҳолатда. "Иссиқлик манабаи" ДУК томонидан эса 2021 йилда иссиқлик тизимининг марказий тармоғи тўлиқ таъмирланган, уйларга иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув етказилиши маълум қилинди.

"А" микроҳудуддаги "Токзор коммунал сервис, менинг уйим" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 8- ва 13-уйда бўлганимизда уйнинг том қисми таъмири чала қолганини кўрдик.

Ширкатимиз 10 та тўрт қаватли уйга хизмат кўрсатади, 655 хонадон мавжуд, - дейди "Токзор коммунал сервис, менинг уйим" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Маҳмуд Исмоилов.

8- ва 13-уйларнинг таъмири "Алфа инвест груп" МЧЖ қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилган эди, бироқ бу ишлар охирига етказилмади. Ҳатто сметада кўрсатилмаган, деб уй олдида чикинди қутилари ҳам ўрнатилмади. Уйларга кириш эшигининг тепа қисми ёпилмади. Ҳозирда бизни қийнаётган асосий муаммо иситиш тизимининг йўқлиги ва охирига етмаган таъмирлаш ишлари бўлиб қолмоқда.

II ШИРКАТ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Биз ушбу ҳудудлардаги вазият юзасидан Самарқанд шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими мутасаддиларининг фикрлари билан қизиқдик.

"В" микроҳудуд Мирзо Бедил маҳалласидаги 65- ва 67-уйларда яшовчи аҳолидан бизга ширкат фаолиятдан норози бўлиб мурожаат бўлганда, - дейди Самарқанд шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Фирдавс Маҳмадиев. - Шу сабаб вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг шу йил 16 сентябрдаги буйруғига асосан ишчи гуруҳи тузилиб, айни пайтда "Саховатли кишилар", "Амиршоҳ Мир Ализода" ва "Мироншоҳ садаф" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти тўлиқ ўрганилмоқда (бу уч ширкатга ҳам Шерзод Мирзаев раҳбарлик қилади). Ўрганиш давомида ажратилган 1 миллиард сўм кредитларнинг сарфланиши, бажарилган ишларнинг сифати таҳлил қилинмоқда. Мазкур таҳлил якунлари бўйича уйларни таъмирлаш масаласига оидинлик киритилади ҳамда ширкат раиси фаолиятига баҳо берилади.

"Мамат Илҳом" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига эса 60 миллион сўм кредит ажратилади ва уйларнинг 15 та кириш йўлақлари таъмирланади. Бундан ташқари, "Моҳинур элита сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига "Асака" банк томонидан 33 миллион 600 минг сўм кредит ажратилиши режалаштирилган. Бу маблағ 2 та кўп қаватли уйни, йўлақларни таъмирлаш ва эшикларни замонавийсига алмаштиришга сарфланади.

II ФАРРОШГА 400 МИНГ СЎМ МАОШ ЕТАРЛИМИ?

Сўғдиёна масканининг Машъал маҳалласидаги "Машъал" уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ширкатига қарашли тўққиз қаватли 17-уйдаимиз. Уйнинг мавжуд икки лифтидан бири ишламаётганига гувоҳ бўлдик. Уйга масъул Татьяна Шукурованын айтишича, лифтлар 1986 йилда уй қурилганда ўрнатилган. Шу сабабли иккинчиси ҳам тез-тез ишдан чиқиб тураркан. Уй сифатсиз таъмирланган, чиқинди ташлаш қутиси ўрнатилмаган. Қаватлар оралиғидаги йўлақларда электр симлари очик ҳолатда қолдирилган.

Худуддаги 9-уй олдида ертўладан чиқарилган қувурдан ичимлик суви беҳуда оқиб ётибди. Ертўлани сув босиши оқибатида ичкари нам бўлган. Уй олди, ариқлар чиқинди ва хазонлардан тозаланмаган.

17-уйдаги лифтлар ҳақиқатда эскирган, - дейди "Машъал" уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ширкати раиси Абдумалик Ҳўрозов. - Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан шу йил лифтлар янгисига алмаштирилиши керак эди, аммо қолиб кетди. 2021 йил ўрнатилиши режалаштирилганини айтишди. Уйни таъмирлаш ишлари "Ғиёс ҳамкор қурувчи" МЧЖ томонидан бажарилди. Сифатсиз таъмирланишидан ташқари, уй олдидаги йўлақларнинг бетон қоплама ишлари чала қолди. Том ва ертўлани ширкат ҳисобидан таъмирладик. Уйлар олдини тозалаш учун уч нафар хотин-қизни бириктирганмиз. Улар томонидан ҳар кун бири уй олди тўлиқ тозаланади, шу сабаб, бошқасига улгурмаган бўлиши мумкин.

9-уй олдидаги ичимлик сув қувурини ҳовлидаги гулларни сўғириш учун ўрнатганмиз, эътиборсизлик оқибатида жўмраги очик қолибди, ертўлани икки кун олдин қувур ёрилиши оқибатида сув босганди, ҳозир бартараф этилди.

Худудни тозалаш, супуриш ишлари учун хотин-қизларга қанча маош берилаётганини ширкат раисидан сўраганимизда 400 минг сўмдан ҳақ тўланаётганини билдирди.

Ширкат уйларни таъмирлаш учун 2016 йилда банкдан 409 миллион сўм кредит олган. Ҳозирда бу маблағнинг 147 миллион сўми қайтарилмаган. Ўз навбатида ширкат аъзоларида ҳам 160 миллион сўм қарз юзага келган. Уйлар олдида ўрнатилган кузатув камералари ширкат бошқа бинога кўчиб ўтгани учун, март ойидан буён ишламаётган экан.

II СУҒДИЁНАДА БУ ЙИЛ ҲАМ УЙЛАР ИСИТИЛМАЙДИ

Кейинги манзилимиз Увайсий маҳалласидаги кўп қаватли уйлар бўлди.

Ширкатимизга 10 та беш ва битта тўққиз қаватли уй бириктирилган бўлиб, 516 та хонадонга хизмат

кўрсатяпмиз, - дейди "Сўғдиёна гарант сервис" уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ширкати раиси вазифасини бажарувчи Шаҳобиддин Қиличев. - Уйларимиз 2018 йилда таъмирланган. Аммо 7 та уйнинг том қисмидан чакка ўтади, айни пайтда таъмирлаш ишларини олиб бораемиз. Бизда яна бир муаммо - уйлар олдида 12 та гараж борлиги. Аҳоли бу қурилмаларни олишни истамаяпти. Тегишли идораларга қилган мурожаатларимиз ҳам натижасиз. Ҳатто яқинда 3-сектор раҳбари ҳам келиб кетганди. Агарда гаражлар олинса, бу ерда автотураргоҳ ташкил этиларди. Бундан ташқари, қурилиш корхоналари томонидан таъмирлаш ишларининг сифатсиз бажарилгани ва чала қолдирилгани ҳам аҳолининг эътирозига сабаб бўляпти. 13-, 14-, 15-, 16-, 21-, 23-уйларнинг таъмирлаш ишлари "Самарқанд элобод", "Ренессанс қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан якунига етказилмагани учун қабул қилганимиз йўқ.

Биз томи таъмирланган 15- ва 16-беш қаватли уйларда бажарилаётган ишларни кўриш мақсадида томга чиқдик. Ҳақиқатда томда сув ўтган жойлар таъмирланган. Аммо бир-икки метр жойни таъмирлаш билан том яроқли бўлармикан? Ямалган жойдан яна сув ўтмаслигига кафолат борми? Ширкат 2016 йилда банкдан 344 миллион сўм кредит олган. Ҳозирда унинг атиги 104 миллиони қайтарилган.

Шу уйларнинг ертўласида бўлганимизда захлиги, чиқиндилар мавжудлиги ва аҳоли хонадонидан сув тушаётганига гувоҳ бўлдик. Бунга Ш.Қиличев "бу уйда кам таъминланган оила яшайди, уйдаги қувурлари эскиргани учун сув тушяпти" дея изоҳ берди.

Ширкат томонидан уйларнинг йўлақларига замонавий



ромлар ўрнатилган. 25-тўққиз қаватли уйнинг иккала лифти замонавийсига алмаштирилган. 20 та кузатув камералари мавжуд бўлиб, худуд инспектори хонасида назорат қилинмоқда.

Сўғдиёнада биз кўрган кўп қаватли уйларда ҳам иситиш тизими ва иссиқ сув мавжуд эмас. Аҳоли бу йил ҳам қишда ўз билганича (газ ва электр ускуналаридан фойдаланган ҳолда) уйини истиғишга тўғри келади. Уйларнинг ҳолати ва бажарилган ишлар бирида яхши-ю бирида ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунга мутасаддилар эътибор қаратади, деган умиддамиз.

Хусан ЭЛТОЕВ, Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ, "Зарафшон" мухбирлари.

Вируснинг янги «ҳунар»лари чиқяпти



Пандемия шароитига қарамасдан жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатида корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасида (КТЯДР), вилоятимизда 6276 та оилавий корхона рўйхатга олинган. Ҳозирда уларнинг 5977 таси, яъни 95,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Саккиз ойда 1750 та оилавий корхона ташкил этилди

2020 йилнинг январь-август ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 1750 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўз навбатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 295 тага ёки 20,3 фоизга ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, энг кўп ўсиш кўрсаткичи савдо соҳасида (45,5 фоиз), саноатда (24 фоиз) ҳамда яшаш ва оқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (15,2 фоиз) бўлди.

Ушбу корхоналар салмоғи туман (шаҳар) лар кесимида таҳлил қилинганда эса энг катта улуш Самарқанд шаҳрида 293 та (16,7 фоиз), Самарқанд туманида 255 та (14,6 фоиз), Паст Дарғом туманида 188 та (10,7 фоиз), Ургут туманида 160 та (9,1 фоиз) ҳамда Каттақўрғон туманида 136 та (7,8 фоиз)ни ташкил қилмоқда.

Хуршид ХУСАНОВ, вилоят статистика бошқармаси бош мутахассиси.

Коронавирус пандемияси бошланганидан бери вирус ўз «айёр»лигини ошкор намойиш қилаётир ва инсон организмиде турли белгилар, асоратлар қолдирмоқда. Шунинг учун бўлса керак, хасталик билан боғлиқ саволлар кўпаймоқда. Янги фасл бошланиши билан касаллик кечиси ўзгариши, вируснинг турли ёшдаги инсонларда ўзини қай тарзда намойиш этиши, аҳоли бу вазиятда қандай йўл тутиши юзасидан газетамиз орқали мутахассислар фикрларини бериб бораемиз. Бу сафар юқоридаги каби саволлар яна кўпайгани сабаб вилоят санитария-эпидемиолог осойишталик маркази раҳбари Адҳам БАҲРОМОВга мурожаат қилдик.

Кўз фасли бошланиши билан вируснинг авж олгани сезилди. Бу вазиятда марказ ходимлари тестларни ўз вақтида текшириб бериши учун шароит етарлими?

Кўз-қиш мавсумида кўплаб инфекция, вирусли хасталиклар авж олади, жумладан коронавирус ҳам. Бу ҳақда мутахассислар олдиндан огоҳлантириб, аҳолини эҳтиёткор бўлишга чақириб келмоқда. Хусусан, зотилжам хасталиги ҳам айнан куз ойларида кўпайдиган хасталик. Қолаверса, зотилжамнинг ҳам ўнлаб турлари мавжуд. Тест масаласига келсак, албатта, эпидемиологик ва тиббий кўрсаткиш бор аҳолидан ўз вақтида тест олиш ва натижаларини аниқлаш учун барча шароитларга эгамиз.

Кейинги пайтларда коронавирнинг бошқа белгилари пайдо бўлаётгани тест натижаларига таъсир ўтказяптими?

Албатта. Сабаби, тест фақатгина томоқ, нафас йўлларида вирус бўлсагина аниқлаб беради. Ваҳоланки, кейинги ойларида дунё бўйича мутахассисларнинг кузатувига кўра, вирус тананинг бошқа аъзоларига ҳам шикаст етказяётгани аниқланмоқда. Мисол учун, россиялик шифокорлар уларда ковид аҳолининг 30 фоизиде ичак фаолиятининг бузилиши билан кечаётганини айтишди. Мамлакатимизда ҳам бу ҳолат кузатилаётган. Айрим беморларни томоқ оғриғи, нафас йўлларида ҳеч қандай касаллик бўлмасанча, ич кетиш, қайт қилиш каби симптомлар учрамоқда. Вақт ўтиши билан ҳам ва таъм сезмаслиғи мумкин. Бу ҳолатда бемор тест топширса-да, унда коронавирус аниқланмади. Сабаби, тест фақатгина нафас йўлларидаги вирусни аниқлашга мўлжалланган.

Демак, вирус нафақат ўпка, балки организмнинг бошқа аъ-

золарини ҳам зарарлаши ва уни белгиларга қараб ўз вақтида аниқлаш мумкин, шундайми?

Ушбу вируснинг қанчалик «айёрлиги» ҳақида кўп гапиряпмиз. Афсуски, бунга аҳолида ҳам, кези келганда тиббиёт ходимларида ҳам ишончсизлик ҳолатлари бўлди. У кундан-кунга ўз қиёфасини ўзгартиряпти, дунё олимлари катори мамлакатимизда вируснинг кечиси билан боғлиқ ҳолатлар доимий равишда ўрганиб борилмоқда. Шунинг учун даволаш стандартлари тез-тез ўзгарапти, унга қўшимчалар киритиб борилмоқда. У марказий нерв тизимига, қолаверса инсон организмнинг турли аъзоларига ўз таъсирини кўрсатяпти. Шунинг учун сурункали хасталиклар бор инсонлар ўзини эҳтиёт қилиш лозим. У ёки бу хасталиқдан даволанган кишилар ҳам соғликларига эътиборли бўлишлари зарур. Мухими, соғлом овқатланиш, жисмоний ҳаракатларни ўз вақтида амалга ошириш касалликни енгишнинг асосий омилдир.

Кейинги пайтларда қайси туманларда касаллик кўпроқ қайд этиляпти?

Касаллик қайд этилиши ҳолатлари барча ҳудудларда кузатилаётган. Аммо

кўпроқ Каттақўрғон, Паст Дарғом, Пайа-рик, Ургут туманларида қайд этиляпти.

Касалликни симптомсиз ўтказяётган инсонлар ҳақида нима дейсиз?

Симптомсиз ҳолатда кишида вирус аниқланса, бу инсон атрофдагилар билан яқин мулоқотда бўлмасликка ҳаракат қилиш лозим. Аммо бундай инсонларни бемор деб ҳисоблаш нотўғри. Касаллик белгилари бўлмаганда, унга потенциал касал сифатида қараш имкони йўқ. Умуман, тестни, иложи бўлса, ўзида касаллик белгилари бўлган кишилар топшириши мақсадга мувофиқ.

Бир неча ойдан бери айтиб келинаётган, пандемия ҳолатидан келиб чиққан ҳолда шаклланган қоидалар ҳозир ҳам муҳим. Тўғри, карантин қоидалари юмшатилади, тўйларга рухсат берилди. Аммо бу дегани қайси даврага борманг, танишларингиз билан қўл бериб, қучоқлашиб кўришиш мумкин дегани эмас. Айниқса, тўйларда аёллар ўпишиб кўришишлари билан ўз соғликларини жиддий хатарга қўяпти. Истаймизми, йўқми, қоидаларга риоя қилмас эканми, касаллик кўпаяди. Соғлигингизни асраш, ҳимоялаш аввало ўзингизга боғлиқлигини унутманг.

Гулрўх МЎМИНОВА сўҳбатлашди.

ЖАМИЯТ. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари орқали ўзбек тили ҳам турли янги сўзлар билан бойиб бормоқда. Улардан кундалик ҳаётимизда доимий равишда фойдаланамиз. Бироқ бу сўзларнинг маъноси ва келиб чиқиш тарихи ҳақида аксариятимиз деярли билмаймиз.

SMS қаердан келган?

Мисол учун, телефон қадимий грек тилидан олинган бўлиб, узоқ, товуш, овоз маъносини билдиради. У дастлаб масофада товушни узатадиган ва қабул қиладиган аппарат маъносида қўлланилган.

1860 йилда Антонио Меуччи Нью-Йоркнинг италия тилидаги газетасида электр симлар орқали товушларни узатиш имкониятига эга ихтироси тўғрисида мақола чоп

этган. Меуччи ўзининг ихтиросини "Teletrofono" деб номлаган. Телефоннинг ўзи 1876 йилда АҚШда Александр Белл томонидан патентланган ва унинг номи "гапирадиган телеграф" бўлган. Айнан Белл узоқ муддат телефоннинг расман ихтироси саналган. Бироқ 2002 йил 11 июнда АҚШ Конгрессининг резолюцияси билан Антонио Меуччи телефоннинг ихтироси

сифатида тан олинган. Компьютер инглизча "to compute" сўзидан олинган бўлиб, биринчи марта 1897 йилда инглиз тилининг Оксфорд луғатида ишлатилган. Компьютер бугунгидан фарқли равишда дастлаб арифметик амалларни бажарувчи инсон маъносида қўлланилган.

Инглиз тилидаги Short Message Service "қисқа хабарлар хизмати" бугун SMS деб юриляпти. SMS ни яратиш гоёси биринчи марта 1984 йилда пайдо бўлган ҳамда кейинчалик бир гуруҳ муҳандислар томонидан амалда қўлланилган.

Азим РАҲМОНОВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

Энг муҳтож, кўчада қолганлар ҳам эътиборга олинди

Бу йил нафақат коронавирус пандемияси, балки турли фавқулодда вазиятларнинг юз бергани кўп оилаларни мураккаб шароитда қолдирди. Ушбу оилаларга ҳукумат томонидан тегишлича ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти томонидан ҳам қийин вазиятда қолган оилаларга ёрдам берилди. Хусусан, вилоят ташкилоти қошидаги кўнгиллилардан иборат кутарув гуруҳининг 12 нафар аъзоси томонидан Самарқанд шаҳар Исаев кўчаси 23-хонадонда кучли сел натижасида жафони кўрган оилга қўлаб ташган бинони тазолаш ишларида кўмаклашилди. Шунингдек, ҳозирги кунда Халқаро қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерацияси билан ҳамкорликда вилоятдаги табиий офатларда зарар кўриш эҳтимоли кўпроқ бўлган 12 маҳалла ва улардаги 6 та мактаб танлаб олиниб, ушбу ҳудудларда офатлар таъсирини камайтириш ёки олдини олиш мақсадида мустаҳкамлаш ишлари бўйича фаолият бошлаб юборилди.

Тиббий-ижтимоий дастур доирасида 220 нафар жамият қарамоғидагилар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламга кўрсатилган моддий ёрдамлар миқдори 50 миллион 450 минг сўми ташкил этди. Шундан 46

миллион 670 минг сўм миқдоридagi маблағлар муҳтожларнинг пластик карточкаларига кўчириб берилди. Давлат дастури бўйича молиявий ёрдам олганлар сони 62 нафарни ташкил этади. Кучайтирилган карантин даврида 82 нафар жамият қарамоғидагилар ва моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат мурувват ёрдамлари тарқатилди.

Ҳозирги кунда хорижий ҳамкорларимиз кўмағида коронавирუს пандемияси даврида моддий жиҳатдан ўта қийинлашган 270 нафардан ортиқ кишиларга 500 минг сўмдан молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Мунира АРИПОВА,
Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектларидан келгусида самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 147-Қ-сонли қарорига асосан инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эвазига "ноль" харид қийматида сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Жойлашган жойи	Балансда сақловчи	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Танлов шартлари			
						Кирилади-ган инвестиция миқдори (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддати	Яратилди-ган янги иш ўринлари сони	Ташкил этиладиган фаолият тури
1	Собиқ пилла қурти боқиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси бино-иншоотлари	Жомбой тумани Деҳқонobod МФЙ	Жомбой туман ҳокимлиги	0,52	2180,63	10 000,0	6 ой	50 та	Доимий фаолият кўрсатувчи маҳаллий истеъмол маҳсулотлари ярмаркаси (Самарқанд кўргазма маркази) очик павильонини куриш
2	Собиқ 53-сонли мактабнинг бино-иншоотлари	Нарпай тумани Мустақиллик МФЙ	Нарпай туман ҳокимлиги	0,415	983,02	2500,0	12 ой	50 та	Пардозбop пишиқ гишт ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш
3	Бўш турган қозонхона биноси	Самарқанд шаҳри Боғичинор МФЙ, Гагарин кўчаси, 76-уй	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	0,267	809,2	4000,0	24 ой	28 та	Меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш

* Мазкур объектлар бўйича фаолият тури белгиланган.

Танлов ўтказиш муддати: талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар **2020 йил 30 октябрь куни, соат 11:00 да**, Самарқанд вилоят ҳокимлигида (**Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй**) очилади, шу куни танлов савдосида сотилмаган объектлар бўйича такрорий танлов савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари, **соат 15:00 да** вилоят ҳокимлигида ҳудудий танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Танлов савдолари натижалари бўйича танлов комиссияси қарори тасдиқланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Танловда голиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектни мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов голиб томонидан қопланади.

Ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов таклифини тақдим этган ҳолда танловда қатнашиш учун буюртманомга қабул қилиш танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошланади ва **2020 йил 28 октябрь куни соат 18:00 да** тўхтатилади. Дастлабки савдо санасида сотилмаган давлат мулки объектлари бўйича ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари ташкил этиладиган танлов савдоларида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган буюртманомга ҳар ҳафтанинг сешанба кунига қадар **соат 18:00 гача** қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй) танлов тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга икки нусхада буюртманомга тақдим этади:

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ!

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Ф.Қосимова арготехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 4,6 га. (шундан: 3,9 га. узумзор, 0,4 га. арик ва зовурлар, 0,3 га. йўллар) ер майдонларда фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 15 октябрга қадар қабул қилинади.

Манзилмаси: Самарқанд тумани Гул-обод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2015 йил 8 апрелда 12431 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KORONA VIDEO" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "KORONA VIDEO" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 25 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 39-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентифика-

цион рақами (СТИР): 303293797.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 19 февралда 817629 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ASADBEK-MEXROJ SHIRIN TAOMLARI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «ASADBEK-MEXROJ SHIRIN TAOMLARI» МЧЖ) жамият таъсисчисининг 2020 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Термез кўчаси, 41-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307154389.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Сунҳонова Зулфияга (2020 йил 4 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шук-

руллаевна нотариал идорасида марҳум Ҳакимов Абубакр Джанобовичга (2015 йил 29 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасида марҳум Джуракулов Абдузоҳидга (2020 йил 22 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Ҳазраткулова Таджига (2012 йил 24 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани У.Самиев кўчаси, 1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шук-

руллаевна нотариал идорасида марҳум Ҳакимов Абубакр Джанобовичга (2015 йил 29 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Манбетов Маратга (2005 йил 26 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Негматов Аминга (2015 йил 27 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2016 йилда Носиров Даврон Абдушукр ўғли номига берилган рўйхат рақами 530, К № 4269963 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2016 йилда Қушбоков Нурсултон Сайдиназорович номига берилган рўйхат рақами 815, В № 845747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 1999 йилда Самарқанд шаҳри Акмал Икромов кўчаси, 115-уй, 32-хонадон учун Амридинова Дилрабо Турсуновна номига берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан 2017 йил 17 январда Самарқанд тумани Равонак маҳалласида жойлашган нотуражой (ёрдамчи бино) учун Воҳидова Саломат Ахатовна номига берилган № 113 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 1999 йилда Саломов Шерзод Тўйчиевич номига берилган рўйхат рақами 682, В № 003660 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги «SHONJAXON ELITA JALUZI» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305652775) дубликат думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳри Темур Малик кўчаси, 18-уйда фаолият юритиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор Қурбонов Камол Музаффаровичга тегишли 2006 йил 17 январда ишлаб чиқарилган Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган завод рақами 00715653 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг паспорти ва қайд қилиш варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2019 йилда Алимов Шарофиддинга қарашли Самарқанд шаҳри Қуйи Хўжасоат маҳалласида жойлашган ўй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 1995 йилда Ахмедова Муяссар Хамидовна номига берилган ОА № 118536 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Намозова (ҳозирда Турсунова) Гулшана Бурановна номига берилган У № 1097573 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «SHERXON BARAKALI MEVEL» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306803411) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти жомоаси институт онкология кафедраси ассистенти

Бунёд САИДҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Самарқанд давлат университети мактаб-гача таълим факультети жомоаси мактабгача таълим назарияси ва методикаси кафедраси ўқитувчиси, профессор Маҳкамой Турсуновага укаси

Тоҳир ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдardлик билдиради.

МУАЛЛИМДАН МЕНИНГ ЖУДА КЎП ҚАРЗИМ

Дунёда шундай касб эгалари борки улар доим эл, миллат, юрт келажagini ўйлайдилар. Улар муаллимлардир. Муаллим, устоз, ўқитувчи, мураббий. Бу сўзлар бир-бирини айнан такрорламаса-да, замирида олам-олам маъно мужасамдир.

Мен ҳам бу шарафли касбни танлашимда оилавий муҳитнинг роли катта деб ўйлайман. Зеро, халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" нақли бежизга айтилмаган. Бизнинг оиламиз ўқитувчилар сулоласи ҳисобланиб, бобом, онамлардан тортиб, биз, набираларгача олий маълумотли педагоглармиз. Болалигимни хотирлар эканман, бобомнинг ҳовлисида барча қариндошлар йиғилса гап айнан таълим-тарбия ҳақида кетар, биз ҳам асосан устоз ва ўқувчи ўйинлари билан машғул бўлардик.

Юз йилдан кейинги ҳаётни ўйласанг...

Инсон барча орзу-умидлар рўёбини, бахтини фарзандлари камолида кўришни истади. "Бир йилдан кейинги ҳаётни ўйласанг бугундай эк, ўн йилдан кейинги ҳаётни ўйласанг дарахт эк, агар юз йилдан кейин-

оти олишимизга ҳисса қўшдилар. Барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Оиламиз аъзолари орасида физика, астрономия, она тили, инглиз ва рус тиллари, математика, информатика, иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича мутахассислар мактабда, шу билан бирга вилоят ва республика ташиқотларида фаолият олиб бормоқда.

Менинг биринчи устозларим отам Жалолоддин Маҳқулов ва онам Мехрия Насимовалар ўқитувчилик касбига меҳр қўйишимга сабабчи. Улар қирқ йилдан бери ёш авлод таълим-тарбиясига ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Биз фарзандларни ҳам ўқитувчилик касби орқали олий маълумот олишимизга ҳисса қўшдилар. Барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Оиламиз аъзолари орасида физика, астрономия, она тили, инглиз ва рус тиллари, математика, информатика, иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича мутахассислар мактабда, шу билан бирга вилоят ва республика ташиқотларида фаолият олиб бормоқда.

Ота-онам бизга ўқитувчиликнинг шарафли касб эканлиги, шу билан

ни ифодалашга ҳаракат қилардик. Драмаларни ўқувчилар саҳналаштирардик. Устоз доим адабий асар ўқиётганда унинг қаҳрамони билан яшабгина асарнинг мазмун-моҳиятига етиш, ёзувчи мақсадни, хулосасини билиш мумкинлигини таъкидлардик. Ўқувчиларга фақатгина билим бермасдан уларга яқин дўст, ишончли сирдош, ҳаётда тўғри йўлни кўрсатадиган маслаҳатчи сифатида ҳам ўз ўрнига эга. Шу сабабли устозимнинг изидан кетишга аҳд қилдим.

Ҳар бир ўқувчи бир олам. Уларнинг қалбига йўл топиш ўқитувчидан катта масъулият талаб этар экан. Бу масъулиятни ўзим рус тили ва адабиёти фанидан болаларга сабоқ бериб англадим.

Дилноза МАҲҚУЛОВА,
Ургут туманидаги 83-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Муниса ШАМСИЕВА.

Муаллимга мадҳия

Улуғбекнинг муаллимига

Ўғлим, толеингда иккинчи онанг – Бошингда парвона муаллиминг бор. У билан ёруғдир қоронғу хонанг, У тўшар умрингнинг йўлларига зар.

Мен сенга тилингни берганлигим рост, Доно сўзламоққа у ўргатади. Мен сенга қўлини берганлигим рост, Қалам ушламоққа у ўргатади.

Мен сенга сут бердим, у эса зиё, Унингсиз йўлларинг бўлмас ойдин, ок. Сени севмоғимни билади дунё, Аммо у севади мендан ортиқроқ.

Сенга алла айтиб қуйчи бўлганман, У эса ўзингни шоир қилади. Бўйларинг ўсганда кўнгли тўлганман, У ақлинг ўстириб кўнгли тўлади.

Гўдаклик чоғингда бўлганман бедор Ва сенга бахшида этганман ҳаёт. У эса яшашга ўргатар минг бор, Сени деб безовта яшар умрбор.

Сен агар ҳурматим сақламоқ бўлиб, Истақларим сўраб турсанг қошимда Аввал муаллиминг қўлларини ўп, Фидойи қалбини кўтар бошингга!

Сенинг инсонлигинг, борлигинг учун, Муаллимдан менинг жуда кўп қарзим. Пайти келиб бошинг кўкка етган кун, Иккимиз учун ҳам қил унга таъзим!

Ҳосият БОБОМУРОВОВА.

Китобга меҳр адабиётдан бошланган

Барча фанларни севиб тинглардигу, аммо адабиёт дарсини бошқача интиқлик билан кутардик. Чунки устозимиз ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик ва меҳр билан ёндашардик. Дарсда ўқувчиларнинг барчаси иштирок этиши шарт эди.

Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабида 44 йил рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган ўқитувчимиз Фаина Баширова ҳозир нафақада. У киши тарбиялаган ўқувчилар бугун жамиятимиз-

да ўз ўрнига эга. Бунда албатта, устознинг маҳорат билан дарс ўтиши, талабчанлиги, меҳнаткашлиги, тўғрисиқлиги, меҳрибонлиги сабаб.

Устоз уйга вазифа беришдан олдин бирин-

чи навбатда роман, поэма, пьеса ҳақида гапириб бериб, китобни қандай ўқишимиз, ҳеч бир детални эътибордан четда қолдирмаслигимизни, асардан олишимиз керак бўлган хулосани айтардик. А.Пушкиннинг "Евгений Онегин" романи қаҳрамони Татьянанинг Онегинга ёзган хатини, Островскийнинг "Гроза" пьесасидаги Катерина монолоғини шунчаки ёд олиб, айтиб бермасдик, балки роль ижро этиб, уларнинг қалбига кечаётган ҳаяжонлар-

МАРКАЗИЙ БАНК

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШ БОШҚАРМАСИ

Табрик

Азиз ва фидойи устозларни

1 ОКТЯБРЬ –
ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР КУНИ
билан самимий табриклайди!

ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР,
МУРАББИЙЛАР!

Ота-она фарзанд дунёга келишига сабабчи бўлса, Устоз уни камолга етказиб, юксакликларга кўтаради.

Ҳаётда эришаётган барча ютуқ ва муваффақиятларимиз замирида шубҳасиз Сизнинг заҳматли меҳнатингиз ётади.

Бунинг учун Сиздан миннатдормиз!
Ҳамиша соғ ва омон бўлинг.



Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,
Йиқилса кўтарган тўсиқларидан,
Отадек эзилган, гўссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан.
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?
Оддий муаллим-да,
оддий муаллим!

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ
депутатлари
Самарқанд
вилояти Кенгаши
ва вилоят
ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
10 629 нусхада чоп этилди. Буюртма 555

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ноцир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:

Ғ.ҲАСАНОВ.

Навбатчи:

Г.МҶМИНОВА.

Саҳифаловчи:

Б.АБДУЛЛАЕВ.

Соғуведа нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009